

## I. NAZARIYA VA METODOLOGIYA

УДК: 338.476.5:020.2

### ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ИННОВАЦИОН КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МОДЕЛИ

Саидахроп Гуломов – ЎзР ФА академиги,  
Рахматулла Эргашев – и.ф.д., профессор,  
Аббос Шермухамедов – и.ф.д., профессор

### МОДЕЛЬ ПОДГОТОВКИ ИННОВАЦИОННЫХ КАДРОВ В УСЛОВИЯХ НОВОГО УЗБЕКИСТАНА

Саидахроп Гуломов - академик АН РУз,  
Рахматулла Эргашев – д.э.н., профессор,  
Аббас Шермухамедов – д.э.н., профессор

### MODEL OF TRAINING INNOVATIVE PERSONNEL IN THE CONDITIONS OF NEW UZBEKISTAN

Saidakhror Ghulomov - academician of the academy of sciences Republic of Uzbekistan,  
Rakhmatulla Ergashev - Doctor of Economic Sciences, professor,  
Abbas Shermukhamedov - Doctor of Economic Sciences, professor

**Аннотация.** Мақолада Янги Ўзбекистон шароитида таълим соҳаси учун инновацион кадрлар тайёрлаш моделининг жорий қилиниши жамият тараққиётининг муҳим омили эканлиги талқин қилинган. Бунда асосий эътибор инновацион кадрлар тайёрлашга эришишимиз учун инноваторларни яратишимиз, бунинг учун эса, инсон ақлини ривожлантиришимиз лозимлиги асосланган. Шунингдек, таълим жараёнида ҳар бир ўқувчи ўзининг қобилиятига қараб, аниқ йўналишлар бўйича чуқур ўқитилиши ва ижодкор, интеллектуал салоҳиятли ёшларни тарбиялаб етиштириш кераклиги ҳам асосланган.

**Калит сўзлар:** инновация, инновацион кадрлар, инновацион омилар, интеллектуал салоҳият, инновацион қобилият, инноваторлар, маҳоратли педагог, таълим.

**Аннотация.** В статье объясняется, что внедрение инновационной модели подготовки кадров для сферы образования в условиях Нового Узбекистана является важным фактором развития общества. При этом основное внимание уделяется необходимости создания новаторов для достижения инновационной подготовки кадров, а для этого необходимо развивать человеческий разум. Он также основан на том, что в образовательном процессе каждый обучающийся должен обучаться по определенным направлениям в зависимости от его способностей, воспитываться творческий, интеллектуальный потенциал молодежи.

**Ключевые слова:** инновации, инновационные кадры, инновационные факторы, интеллектуальный потенциал, инновационная способность, и новаторы, квалифицированный педагог, образование.

**Abstract.** The article explains that the introduction of an innovative model of training for the education sector in the conditions of New Uzbekistan is an important factor in the development of society. At the same time, the focus is on the need to create innovators to achieve innovative training, and for this it is necessary to develop the human mind. It is also based on the fact that in the educational process each student should be trained in certain areas depending on his abilities, the creative, intellectual potential of young people should be brought up.

**Key words:** innovation, innovative personnel, innovative factors, intellectual potential, innovative ability, innovative, qualified pedagogue, education.

#### 1. КИРИШ

Бизнинг юртимиз буюк алломалар юр-ти. Жаҳонда илк бор уйғониш даври биз-нинг юртимизда бошланган десак хато бўл-майди. Чунки биринчи ренессанс натижасида Хоразмдаги Маъмун академиясида асос солинган бўлса, иккинчи ренессанс Самар-

қандда Улуғбек, али Қушчи каби алломалар иштирокида яратилган коинот мактаблари-ни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Мамлакатимизда Учинчи Ренессанс-нинг пойдеворини шакллантиришнинг асосий йўналишларининг марказида таълим турибди. Юртбошимиз ўзининг 2022 йил 20

декабрдаги халкимизга қилган мурожаатномасида таъкидлаганидек, “Таълим жараёнида ҳар бир ўқувчи ўзининг қобилиятига қараб, аниқ йўналишлар бўйича чуқур ўқитилади, дунёнинг нуфузли олийгоҳларига кириш имкониятлари кенгайди. Шу боис, 2023 йилдан мактаб таълимини халқаро таълим дастурлари асосида бутун-лай ислоҳ қилишни бошлаймиз. Бу ишларни тизимли йўлга қўйиш, янги дарсликларни ишлаб чиқиш, илғор таълим стандартлари ва методикаларини жорий этиш учун алоҳида илмий институт ва лабораториялар ташкил қилинади” [1]. Миллий ўзлгимизни англаб, ажодларимизга муносиб бўлишни хоҳлаган ёшларга эътибор янада кучайтирилади.

Мурожаатномада таъкидланганидек, “Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яққою ягона тўғри йўлидир” [2]. Ушбу ҳолатни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2022 йилдаёқ тараққиётнинг бир қанча муҳим омилларига катта аҳамият бериб келди. Жумладан, 2022 йил 6 июлда “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Шу куни “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига ҳам имзо чекилди. Юқоридаги номи зикр этилган Президент фармони ва қарорига “Республикада инновацион ривожланишни жадаллаштириш, иқтисодийнинг барча тармоқларида инновациялар ва технологияларни кенг тадбиқ қилиш, инсон капитални, илм-фан ва инновация соҳаларини ривожлантириш” [3] масаласи устувор вазифалар сифатида белгиланган эди. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун жуда катта ишларни бажариш кўзда тутилган ва бу борада қизгин ишлар кетмоқда.

## **2. МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ**

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов ўз маърузасида шундай деган эди: “Давлатимиз ва жамиятимизнинг бугунги куни, айниқса, келажаги учун ғоят муҳим бўлган соғлом ва баркамол

авлодни тарбиялаш вазифасини ўз олдимизга қўяр эканмиз, авваламбор, биз яшаётган XXI аср – интеллектуал бойлик, юксак билим ва салоҳият талаб этиладиган, айнан шу кадриятлар устувор аҳамият касб этидиган аср, деган ҳаётий ҳақиқатдан келиб чиққан эдик [4]”. Ҳозирги замон талаби инновацион кадрлар тайёрлаш масалалари, яъни ижодкор, интеллектуал салоҳиятли ёшларни тарбиялашдир.

Ўзбекистон олий таълим тизимининг таркибий тузилиши ва амал қилиши жараёнлари унинг мавжуд миллий-табiiй, иқтисодий-моддий, маънавий-интеллектуал салоҳияти имкониятларига замонавий талаблар даражасида жавоб бера олмас эди. Унинг тизимида бўлмаган, лекин мустамлакачилик мақсад-манфаатларини янада тўлароқ қондириш учун зарур бўлган ихтисосликлар бўйича олий маълумотли мутахассис кадрлар тайёрлаш собиқ марказнинг махсус режаси асосида белгиланган миқдорда Россия ва Украина олий ўқув юртларида амалга оширилган эди [5].

Таълим – бу инсон капиталининг ва пировард натижада мамлакатнинг ривожланиш даражасига бевосита таъсир ўтказувчи омилдир [6].

Таълимдан кутиладиган хусусий манфаат бу бевосита таълим олувчилар учундир. Таълимнинг иқтисодий натижалари шакли турлича, яъни натура ва пул кўринишида, бевосита ва билвосита бўлиши мумкин. Қоюдага кўра, инсон қанчалик юқори даражада таълим олса, у шунчалик кўп ойлик маош олади (пул кўринишидаги самара), нуфузли ишга киришда имконияти ошади (пул кўринишида бўлмаган самара), илмий-техник тараққиёт туфайли бўлаётган ўзгариш ва янгиланишларга тезда мослашади (билвосита самара). Зеро, барча самарадорлик (манфаат) сон билан ҳисобланмайди. Шунинг учун таълимнинг таҳлилда қўлланиладиган иқтисодий самарадорлигининг асосий шакли пул кўринишидаги самарадир (ходим (мутахассис)нинг умумтаълимий ва махсус тайёргарлик даражасининг ортиши натижасида унинг ойлик маошининг ортиши) [7].

Иқтисоди ривожланган мамлакатларда фан ва таълим жамият ривожланиши манбаи сифатида хизмат қилади. У табиий ресурслар янги турларини тезда ўзлаштиради, улар ҳажмини оширади. Бундан ташқари, интеллектуал имкониятлар (ақлий қобилиятлар)дан фойдаланиш кўпгина муаммоларни бошқача талқинда ҳал қилувчи ва сезиларли даражада кам сарф-харажатли, сифатли янги маҳсулотлар ва технологияларни, масалан, компьютерлар, йўлдош (спутник) алоқалари ва бошқаларни келтириб чиқаради [8].

Америкалик тадқиқотчиларнинг асарларидаги [9] ҳисоб-китоблари шуни кўрсатадики, бу ерда самара жуда кам, масалан, инсон капиталининг ташқи самарасига нисбатан АҚШ да чиқиш эластиклиги 0,4 ни, яъни аниқ инсонга инвестицияларнинг 10,0%га оширилиши қандайдир чиқарилган маҳсулот ҳажмининг 4,0%га ортишига олиб келади. Бундан хулоса шуки, таълим-тарбия, кадрларни профессионал тайёрлаш ва бошқа фаолият ишчи кучининг сифатини ошириши учун давлат назоратида бўлиши, давлат томонидан субсидияланиши (маблағ билан таъминланиши) лозим.

Бакалавр – (лот. бассалауреус - вассал, ер эгаси) – кўпгина хорижий мамлакатларда бошланғич илмий (Ўзбекистонда бошланғич академик) даража бўлиб, кўп босқичли олий таълим тизимида мавжуд, II-босқичдаги тўрт йиллик таълим муваффақиятли тугатилиб, битирув-малакавий ишлари ҳимоя қилинган берилди (фан бакалаври, иқтисодиёт бакалаври); Францияда тўлиқ ўрта мактабни тугатганлар шундай даражани олади ва бу университетга кириш ҳуқуқини беради [10].

Магистр – (лот. магистер - бошлиқ, мураббий, ўқитувчи) – кўпгина хорижий мамлакатлар кўп босқичли олий таълим тизимидаги иккинчи ўрта (бакалавр ва фан доктори оралиғидаги) илмий даража, университет ёки коллежни тугатган, бакалавр даражасига эга бўлган шахсларга бир-икки йиллик таълимдан сўнг ва ошқора диплом ҳимояси ёки магистрлик диссертациясини ёқлагандан сўнг берилди. Ўзбекистонда магистр – икки босқичли олий таълим тизимидаги иккинчи академик даража, бакалавр академик даражасига эга шахсларга

икки йиллик таълимдан ва магистрлик диссертациясини ҳимоя қилган-дан сўнг берилди [11].

Демак, таълим тамойиллари деб умуминсоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган ўқиш ва ўқитиш жараёнларининг йўналиши, ўқувчилар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилиши, билим ва малака ҳосил қилишнинг асосий қонун-қоидалари йиғиндисига айтилади [12].

Францияда олий таълим тизимини бошқариш Ғарбий Европадаги мамлакатлар орасида марказлашган характерга эга. Олий таълимнинг давлат тизимига университетлар, мамлакатнинг умумий ОТМлари, олий муҳандис персонал ва юқори малакали кадрларни тайёрловчи ОТМлари – катта мактаблар қиради. Бу мамлакатда олий таълим тизимини бошқаришни такомиллаштиришда молиялашнинг қуйидаги усуллари мавжуд [13]:

а) таълимга ажратилган давлат сармояларини тақсимлашда ОТМларига катта эркинлик бериш;

б) олий таълимни молиялаш ва профессионал тайёргарлик миллий жамғармасини тузиш;

в) юридик (жисмоний) шахс сифатида фаолият юритувчи ва ОТМларининг бюджетдан ташқари маблағларига хўжайинлик қилувчи фондлар тузишга руҳсат бериш;

г) давлат назоратини йўлга қўйган ҳолда муҳандис-техник мутахассислар тайёрлаш ваколатини хусусий ОТМлари ихтиёрига бериш.

Сўнгги йилларда давлат ва нодавлат олий ўқув юртларига абитуриентлар сони 1 миллион нафардан ортиқни ташкил этиб, уларнинг сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилиш кундузги, сиртки, кечки ва масофавий таълим бўйича амалга оширилади. ОТМлар ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчилари сони вақт ўтиши билан ортиб бориш тенденциясига эга [14].

### 3. ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Инновацион кадрлар тайёрлаш масалалари, яъни ижодкор, интеллектуал сало-

ҳиятли ёшларни тарбиялаб етиштириш таълим жараёнининг модели масалаларини тадқиқ қилиш жараёнида миқдор ва сифат, индукция ва дедукция, макон ва замон, таҳлил ва синтез, мантиқий таҳлил каби услублар ва ёндашувлардан фойдаланилди.

#### 4. ТАҲЛИЛЛАР ВА АСОСИЙ НАТИЖАЛАР

Янги Ўзбекистон шароитида инновацион кадрлар тайёрлаш модели учун тегишли “Йўл харита”ларини ишлаб чиқиб, уларнинг бажарилишини кечиктирмасдан амалга оширишимиз лозим. Шу йўл билан таълим сифатини ошириб, Учинчи Ренессанс пойдеворини шакллантириш мумкин.

Барча қилинаётган ишлардан мақсад дунё тамаддунида ўз ўрнимизга эга бўлиш, мамлакатимизни барқарор ривожланишини таъминлаш, унинг рақобатбардошлигини ошириш, аҳолининг фаровонлигини юксалтиришга қаратилган. Бунинг учун Учинчи Ренессанснинг пойдеворини бугуноқ шакллантиришга киришишимиз лозим. Бунинг бир қанча йўналишлари мавжуд. Булар:

**Биринчидан**, Янги Ўзбекистоннинг учинчи ренессанснинг пойдеворини куриш учун ижодкор, интеллектуал салоҳиятли ёшларни тарбиялаб етиштириш керак бўлади. Одам ижод қилишни билмаса, атрофдаги ҳодиса ва жараёнларга тегишли баҳо бера олмаса ва улардан хулоса чиқариб, ўзининг фикрини шакллантириш қобилиятига эга бўлмаса, бундайлардан ижодкорлар чиқмайди ва ренессанс ҳақида гапириб ўтиришга ҳам ҳожат қолмайди. Шунинг учун барча куч ва тадбирларни болаларни ижодкор қилиб тарбиялашга қаратиб, энг иқтидорлиларига индивидуал ЙЎЛ ХАРИТА тузиш лозим. Чунки Ал-Хоразмий, Беруний, Алишер Навоий, Улуғбек, Ибн Сино кабилар олдинги ренессанснинг ўзларининг ижодкорлиги билан шакллантирган. Шу жиҳатдан бугунги кунда таълим тизимини тубдан такомиллаштириш лозим бўлмоқда.

Ҳозир олий таълим муассасаларига кирган аксарият ўқувчилар мактабдан ташқарида репетиторлик йўли билан билим олиш эвазига эришмоқда. 2022 йил тест натижаларидан ҳам кўриниб турибдики, барча абитуриентларнинг ярмига яқин қисми

қоникарсиз баҳо олган. Демак мактаб таълимини тубдан ўзгартириш лозим бўлмоқда.

**Иккинчидан**, ҳозирги кунда биз таълим тизимида асосий эътиборни билим беришга қаратмоқдамиз. Бу билан мақсадга тўлиқ эришиб бўлмайди. Билим ҳозирги тезкор замонда эскириб қолиши табиий. Уни тизимли равишда Интернет ва ижти-мой тармоқлардан янгилаб бориш учун ҳам инсон ақлини кучайтириш, ҳар бир ўқувчини ўзини қобилияти соҳасида ижодкорликни оширишга асосий эътиборни қаратишга тўғри келмоқда. Ҳозирги кадрлар ҳар қандай вазиятда мавжуд ҳодиса ва жараён-ларга илмий жиҳатдан баҳо бера оладиган бўлиши лозим. Шундагина мутахассисларимиз замон билан ҳамнафас, кези келганда рақобатбардош кадр бўлади. Аммо бу муаммо кескинлашиб бормоқда. Чунки, охириги 5 йил давомида олий таълимга қабул қилиш даражаси 3-4 баробар ошгани учун ва кўп яхши педагоглар хусусий университетлар ва филиалларга ўтиб кетаётгани учун, малакали педагоглар танқислиги ошмоқда. Олий таълимга зарур бўлган кадрлар штатини шунчаки педагоглар билан тўлдириш эмас, балки энг иқтидорли, билимдон, маҳоратли педагогларни янги инновацион соҳага жалб қилиш лозим. Бунинг учун магистратура мутахассисликларига, энг юқори рейтинг олган талабаларни жалб қилиш орқали, уларнинг энг иқтидорлиларини бакалавр ва магистратурадан бошлаб, ушбу йўналишга бошқариш ва маълум тажрибаларини ҳам орттириб бориш мақсадга мувофиқ.

Ҳозирги замонавий педагоглар назария ва амалиётни билиши ва ушбу билимни магистрларга ўргатиши билан бирга уларга нотиклик санъати, педагогик технологияларнинг ҳам илғор инновацион усулларини ўргатиш бўйича тегишли тадбирларга ҳам алоҳида аҳамият бериш лозимдир. Шунингдек, магистрларга алоҳида маҳорат дарсларини ташкил қилиш, талабалар руҳиятини ўрганиш билан боғлиқ билим ва кўникмалардан ҳам хабардор қилиб бориш мақсадга мувофиқ. Магистратурага ҳозиргидек, фақат инглиз тилидан ёки бошқа хорижий тиллардан тегишли баҳо ва сертификатга эга

бўлганларни хоҳлаган йўналишга эмас, ўзининг қобилияти соҳасини аниқлаб, ривожлантириб унга мос мутахассислик ва касбга йўллаш мақсадга мувофиқ (1-расм).

**Учинчидан**, учинчи ренессансни яратиш учун инсоннинг ижодий ва танқидий фикрлаш қобилиятини ўнглаш лозим бўлади. Инсонда фикрлаш қобилияти шаклланмаса ижодкор бўлиши қийин. Инсоннинг илм эгаллаш қобилияти қанча ошиб борса, илми ҳам шунча ошиб, энг муҳими янги ланиб боради. Бундай илмдан самара кутиш мумкин. Шу нуқтаи назардан болаларимизга таълим беришда ёдлатишдан кўра, фикрлашга кўпроқ ўргатишимиз лозим. Мантикий фикрлайдиган бўлса, ҳар қандай вазиятга баҳо бера олади ва тегишли хулоса ҳам чиқариб, уни яхшилаш бўйича фикрини ҳам айта оладиган бўлади. Бу ўзаро боғлиқлик Янги Ўзбекистонда ақл-заковатнинг ўсишини таъминлайди. Бунинг шакли сифатли таълим моделига эришиш омилларининг ўзаро боғлиқлигини ифодалайди. Бу куйидаги расмда келтирилган (2-расм).

2-расмдан кўринадики, янги Учинчи Ренессанс пойдеворини яратадиган илғор ёшларнинг 70 % ақлли тиббиётга ва ақлли оилага боғлиқ экан.

Шунингдек, 30-35 % қобилият наслга боғлиқ, 30-35 % яширин очликни (микро ва макроэлементларни, сув ва кислороднинг етишмаслиги) камайтириш, хотирани яхшилашнинг 7 принципи ва 7 турига ҳамда Мнемоника, Ментал арифметика ва Медитатсияни (МММ) трейнингларига амал қилиб яшашга ҳам боғлиқдир. 30-35 % ўқитувчи, устоз ва устознинг устозларининг маҳоратларига ҳам боғлиқдир. Ушбу моделни амалга ошириш учун қайси жиҳатларга аҳамият бериш кераклиги аён бўлиб турибди.

Қайд этиш жоизки, инсоннинг инновация ва янги билим яратиш қобилияти унинг ажоддига ҳам боғлиқ. Бунда 7-10 авлоднинг интеллектуал салоҳияти намоён бўлади. Масалан, бўри, қуш ва қўй болаларининг қобилиятидаги туғилишида фарқни олинг. Бу қобилиятлар ҳам авлоддан авлодга ўтиб келмоқда. Бўрининг боласи албатта йиртқич қобилияти, қушнинг жўжаси албатта парвоз қилиш қобилияти туғилади, қўйнинг боласи

ҳам оз фурсатда ўзини-ўзи идора қила оладиган бўлади. Бугунги кунда инсоннинг интеллектуал салоҳиятни ўстиришга йўналтирилган овқатлар, сув, ёд, балиқ мойи кабиларни истеъмол қилиш орқали организмни керакли витаминлар ва минераллар билан таъминлайди. Шу билан бирга устозлар ҳам учга бўлинади:

1. Ўқитувчи кўпинча эски билим бериб, болани ақлий меҳнатга ўргатмайди;

2. Устоз Интернетдан янги билим топиб, уни модернизация қилиб, самарали ишлатиб, бой бўлишга ўргатади;

3. Устозни устози қобилиятни ўстиришга ва уни самарали ишлатиб, янги билим ва инновация яратишга ва уларнинг нусхасини миллионлаб экспорт қилишга ўргатади.

**Тўртинчидан**, ёшларимизни илғор ва ижодкор қилиш учун, юқорида таъкидланганидек, самарали илғор тиббиётни шакллантириб, соғлом умрни узайтириш керак бўлмоқда. Инсоннинг умри унинг қанча яшаганлиги билан эмас, балки қандай соғлом ва самарали яшаганлиги билан ўлчанади. Одамнинг ақлий қобилиятини ўстириш учун лозим бўлган муолажа усуллари ишлаб чиқилиши лозим. Ақлий қобилиятни ўстириш билан бирга ижодкорлик салоҳиятини ҳам оширишга алоҳида аҳамият бериш керак. Тиббиёт ҳам хотирани, ўйлаш тезлигини ва креатив фикрлашни кучайтирадиган муолажаларни қилишга асосий эътиборни қаратишга тўғри келмоқда. Тиббиёт касалликни даволашдан кўра асосий эътиборни касал бўлмасликка қаратиш керак. Тиббиёт муассаси “соғлиқни сақлаш”, деб юритилади. Ҳозир эса касалликни даволаш билан шуғулланмоқда. Илғор тиббиёт ўзининг номига муносиб, одамларнинг соғлигини сақлаш билан шуғулланиш босқичига ўтиши керак. Соғлиқни сақлаш асосий вазифаси ҲАВО, СУВ, ОЗИҚ-ОВҚАТнинг тозаллигини сақлаш ва бошқалар.



1-расм. Янги Ўзбекистонда соғломлаштирадиган ва ақл-заковатни ўстирадиган таълим (IQ, EQ) ўсиш модели

Инновация яратиш қобилиятини ўстириш омиллари			
Ақлли тиббиётга ва ақлли оилага боғлиқ 70 % (Сукрот)		30-35 % наслга боғлиқ	*7-10 авлоднинг интеллектуал салоҳияти (бўри, куш ва кўй болаларининг қобилиятидаги фарқ)
		30-35 % яширин очликни камайтириш. Хотирани яхшилашнинг 7 принципи ва МММ технологиялари	*интеллектуал салоҳиятни ўстиришга йўналтирилган овқатлар; *сув, ёд, балиқ мойи; *витами́нлар ва минераллар.
		30-35 % ўқитувчи, устоз ва устознинг устозлари маҳорати	*янги билим ва инновация яратишга ва самарали ишлатишга ўргатиш

## 2-расм. Янги билимни яратиш қобилиятига эга ақл-заковатли авлодни шакллантириш модели

Мамлакатимиз раҳбари ўзининг 2022 йил 20 декабрдаги халқимизга қилган мурожаатномасида таъкидлаганидек, “Соғлом ҳаёт тарзи ҳақида олти йилдан бери гапиряпмиз. Лекин Соғлиқни сақлаш вазирлиги буни ҳали жой-жойига қўя олмаяпти. Соғлом овқатланиш ратсионига доир тавсиялар одамларга етказилмаяпти, турли ёшдаги кишилар учун жисмоний машқларни ўргатиш ишлари йўқ. Аслида, инсон саломатлиги, тиббиётнинг замини ҳам шулар-ку! Шу боис, “Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи” янги умуммиллий ҳаракатини маҳалладан бошлаймиз. Бу ҳаракатда ёшу қари – барча юртдошларимиз ўз ўрнини топиши керак”.

**Бешинчидан**, учинчи ренессанснинг талабларидан бири инсоннинг хотирасини яхшилашга ва тафаккур қилишига алоҳида аҳамият беришга қаратилган. Хотиранинг муҳимлиги таълим жараёнида олган илмини миясида сақлаб қолади ва ундан самарали фойдаланиш учун тафаккур қилишни ҳам фаоллаштириш лозим бўлади. Ҳозирги пайтда инсон капитали деган тушунча ҳаётимизга кириб келди. Бу капиталнинг кучи шу инсоннинг хотираси қандайлиги, қай тарзда тафаккур қила олиши билан белгиланади. Инсон капиталининг қиймати йўқ, аммо унинг қиммати бор. Қайси корхона ёки мамлакатда ҳақиқий инсон капитали талаб даражасида бўлса, буни рақобатда енгил қийин. Шу жиҳатдан унинг салоҳиятини ошириш учинчи ренессанс учун ўта муҳимдир. Бу борада Мамлақати-миз раҳбари ўзининг 2022 йил 20 декабрдаги мурожаатномасида таъкидла-ганидек:

“Ўқувчиларда эркин ва креатив фикрлашни, жамоада ишлаш ва мулоқот кўникмаларини шакллантириш зарур. Мана, мактабларимизга қандай муҳит кириб келиши керак!” Кўриниб турибдики, таълим тизими ўнглиниш босқичига ўтган, мактабларимизда ижодкорлик, кенкреатив фикрлаш каби муҳитлар шаклланмоқда. Бу ҳам Учинчи Ренессанс пойдеворини шакллантиришда яхши натижалар беради.

**Олтинчидан**, мамлакатимизда яширин очликни йўқотиш керак. Қорин тўйиб овқатланиш ҳали фойдали соғломлаштирадиган овқатланиш дегани эмас. Овқат билан организмга тегишли минераллар, микроэлементлар, витаминлар каби зарур моддалар кириш ва тўйиниши лозим. Шундагина инсон миясининг ишлаш қобилияти яхшиланади. Қобилиятни ўстириш учун истемол қилган овқат инсон танасига бориши билан бирга, кучи эса мияга ақлий меҳнатини амалга оширишга сафланиши лозим. Ўзбекистонда энг кам иш ҳақининг 97 фоизи бир киши учун энг зарур озиқ-овқатларни сотиб олишга кетади. Бу дунёдаги энг паст кўрсаткичлардан бири. Экспертлар бир киши учун ўртача бир ойда энг зарур бўлган маҳсулотларни ҳисоблаб чиқишди. Бунга кўра, “бир инсон ойига: 10 литр сут; 10 дона қолипли нон; 20 дона тухум; 1 кг пишлоқ; 1,5 кг гуруч; 6 кг гўшт; 6 кг мева; 8 кг сабзавот истеъмол қилади” [@банкир 28.01.2023 йил]. Маълумотларга кўра, “Ўзбекистонда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори 2022 йил якунларига кўра, 808,6 минг сўмни ташкил этган. Юқоридаги маҳсулотларни харид қилиш учун ўртача ҳисобда ўша 808

минг пулнинг 97 фоизи сарфланади. Бу тоифадаги қимматчилик бўйича Ўзбекистонда бутун дунёда фақат Нигериядан орқага қолмоқда. Таққослаш учун Буюк Британияда энг кам иш ҳақининг 6,5 фоизига юқорида саналган маҳсулотларни сотиб олиш мумкин. Бу кўрсаткич Ирландияда 7,4 фоиз, Австралияда 7,7 фоиз. Ҳамма орзу қиладиган АҚШда эса энг кам иш ҳақининг 12,5 фоизига зарур озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш мумкин” [@банкир 28.01.2023]. Кўриниб турибдики, аҳолимизнинг бир қисми иш билан банд бўлишига қарамадан етарли даражада овқатланиш имконияти чегараланган. Шу туфайли ойлик масаласига ҳам алоҳида аҳамият қаратиш лозим бўлмоқда.

**Еттинчидан,** бугунги кунда яширин очлик оқибатида (қорни овқатга тўяди, аммо тегишли витаминлар ва микроэлементлар етишмайди) таълим тизимида болаларимизнинг хотираси пастлигидан асаби бузилиб, кўп касалликларнинг (*қон босими ошиши, қандли диабет, ич қотиши, кўз ишдан чиқиши в.б.*) пайдо бўлишига олиб келмоқда. Инсон умрининг узайиши, БМТ таҳлиллари бўйича, давлатларнинг иқтисоди, таълимнинг ҳолати ва соғлиқни сақлаш тизимининг ҳолатига боғлиқлиги аниқланган. Мамлакатларда ўртача умр кўриш даражаси, дунё миқёсида, энг асосий кўрсаткичларидан ҳисобланади. Бизда ушбу кўрсаткич узоқ йиллардан буён 70-73 ёш атрофида ўртача бўлиб турибди. Янги Ўзбекистонда инсон капиталидан “Инсоннинг ақлий капитали” таҳлилига ўтиб, таълимнинг ёшларни соғломлаштиришга қаратилган ва ақл-заковатни ўстирадиган соҳага айлантириш борасида тегишли ишларни амалга ошириш ҳам ўта долзарб масалалардан биридир.

**Саккизинчидан,** Президентимизнинг 1 000 000 (бир миллион) дастурчини тайёрлаш бўйича кўрсатмаси ва лойиҳаси ҳам ижодий ва рақамлаштириш ишларининг бошланишига, мос равишда учинчи ренес-

санс пойдеворининг шакллантиришга асос бўлади.

Президентимизнинг ташаббуси билан мамлакатимизда 205 та шаҳар ва туманнинг ҳар бирида биттадан ахборотлаштиришга ва дастурланга ўргатадиган мактаб очилган. Буларни ўқув дастурларини, ўқув адабиётлари ва хорижий тажрибаларини тезда жорий этиш керак. Хитой ва Ҳиндистонга ўхшаб очик университетлар ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқ. Уларда энг замонавий хорижий дастурларни ва рақамли технологияларни қисқа муддатли курсларда масофадан онлайн ўқитиб, ушбу мактабларни ва очик университетни битирган ўқувчилар минглаб масофадан туриб ишга жойлаб, ишсизлик ва камбағалчиликни қисқартириш мумкин. Хорижга мардикорчиликка бориб ўтирмасдан шу ерда туриб хорижликлар билан ишлаб пул топиши мумкин бўлади. Муҳим жиҳати одамларимиз оғир жисмоний меҳнатдан аста-секинлик билан ақлий меҳнатга ўтиши керак. Шунда фақат ақлий меҳнат қилиш билан жисмоний меҳнат қилганга нисбатан 10-20 баробардан кўп даромад қиладиган бўлади. Бунга мамлакатимизда анча мисолларни келтириш мумкин.

## 5. ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулоса қилиб айтганда, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, А.Навоий, Бобур, Замахшарий, Улуғбек, Али Қушчи қабиларга ўхшаган алломаларни чиқаришимиз учун ёшларимизга замонавий билимни бериш билан бирга болаларнинг креатив фикрлаш қобилиятини ўстириш “ЙЎЛ ХАРИТАСИНИ” тузиб, “Таълим жараёнида ҳар бир ўқувчи ўзининг қобилиятига қараб, аниқ йўналишлар бўйича чуқур ўқитиш” ақлий қобилиятини ривожлантириш учун соғлом овқатлантириш ва соғлом умрини узайтириш каби ишларга асосий эътиборни қаратишни тақозо қилмоқда.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси // “Халқ сўзи” газетаси. 2022 йил 21 декабр. – 1-3 бетлар.
2. Ўша жойда.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлда “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. // “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2022 йил 7 июл. 136-сон. – 2 бет.



4. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизатсия қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилidir. Президент Исломи Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2010. – 9 декабр.
5. Яковенко Е.Г. и др. Экономика труда: Учеб. пособие для вузов. – М.: ЮНИТИ – ДАНА, 2004. – с. 115.
6. Ахунова Г. Ўзбекистонда таълим хизматлари маркетинги муаммолари: Монография. – Т.: Иқтисод-Молия, 2005. – 244 б.
7. Образование в системе человеческого развития: мировая практика и опыт Узбекистана // Под. ред. акад. Гулямова С.С., акад. Абдурахмонова К.Х. –Т.: ТГЭУ, 2004. – с. 34.
8. Очилов А.О. Юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини бошқариш муаммолари ва ечимлари // Монография. – Тошкент, Иқтисод-молия, 2011. – 228 б. (24-бет)
9. Higher education in the barning society. Report of national committee: Main rep. L., 1997. – 467 p.
10. Олий таълим: (луғат – маълумотнома) / Туз: М.Х. Саидов, Л.В. Перегудов, З.Т. Тоҳиров; акад. С.С. Ғуломов таҳрири остида. – Т.: Молия, 2003. – 27-бет.
11. Олий таълим: (луғат – маълумотнома) / Туз: М.Х. Саидов, Л.В. Перегудов, З.Т. Тоҳиров; акад. С.С. Ғуломов таҳрири остида. – Т.: Молия, 2003. – 162-бет.
12. Хўжаев Н. ва бошқалар. Талим назарияси: Ўқув қўлланма / Н.Хўжаев, З.Баубекова, М. Хошимова, С. Жалолова. – Т.: ТДИУ, 2003. – 17-бет.
13. Лукашенко М.А. Высшее учебное заведение на рынке образовательных услуг: актуальные проблемы управления. – М.: Маркет ДС, 2003. – 86-бет.
14. Nabiev D.X., Ochilov A.O., Raimova M.J., Ostonova M.E., Normurodova Z.E. Features of the impact of higher education on the economic growth of the Republic of Uzbekistan // Central European Management Journal. Poland, ISSN: 2336-2693 E- ISSN: 2336-4890. DOI: 10.5281/zenodo.7306300. – Vol.30. – Iss.3 (2022). – pp. 953-965. – p.953.